БИЗНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ БУНЁДКОР ХАЛҚИМИЗДИР!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

UZBUNYODKOR
UZBUNYODKOR
uzbunyodkori@mail.ru

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

№70 (215) 2018 йил 7 сентябрь, жума

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## УМРБОҚИЙ МАҚОМНИНГ ЖАҲОНИЙ ТАНТАНАСИ

Шаҳрисабз шаҳрида 6 сентябрь куни Халқаро мақом санъати анжуманининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Шу кунларда тарих ва келажак туташган манзил – қадимий Шаҳрисабзда байрамона руҳ ҳукм сурмоқда. Халқаро мақом санъати анжуманига кўрилган пухта тайёргарлик шаҳарга ўзгача файзу тароват бахш этган. Сўлим боғ ва хиёбонлар, турфа гуллар ифори тутган кўчалар кишига хушкайфият бағишлайди. Жаҳоннинг турли минтақаларидан келган меҳмонлар чеҳрасидаги мамнунлик, ўзаро самимий муносабат кўҳна Кешда катта байрам бошланаётганидан дарак беради.

Қадим Шаҳрисабзга оҳиста оқшом қўнади. Дунёнинг тенгсиз обидаси – Оқсарой турфа чироқлар нурида янада маҳобатли кўринади. Гарчи куз фасли бошланган бўлса-да, киши нигоҳи илғаган жойгача яшиллик билан бурканган майдонлар ривоятни ҳақиқатга айлантиргандек. Ҳа, кўҳна Кеш бежиз яшил шаҳарга қиёсланмаган.

Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги «Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Халқаро мақом санъати анжуманини Шаҳрисабзда ўтказиш борасидаги ташаббусидан кейин шаҳарда қисқа фурсатда улкан ишлар амалга оширилди.

Анжуман муносабати билан тарихий маскан Амир Темур хиёбони ўзгача қиёфа касб этди. Оқсарой атрофидаги майдонларда мамлакатимиз вилоятларининг турмуш тарзи, анъана ва урф-одатларини ифода этувчи этнографик шаҳарчалар барпо этилди. Улардаги мўъжаз саҳналарда театрлаштирилган томошалар, фольклор жамоаларининг чиқишлари намойиш этилмоқда. Хорижлик сайёҳлар ҳунармандлар кўргазма-ярмаркаларида қадимий сўзана ва либослар, гиламлар, миллий чолғулар, сопол буюмлар намуналари билан танишиш, юртимизнинг туризм салоҳиятига бағишланган меҳмон уйларида оилавий маросимларни кўриш имконига эга бўлади.

Бухоронинг ўзига хос рамзи ҳисобланган Арк қалъаси макети, хоразмча чўгирмалар, Фарғона водийси меҳмондўстлигининг рамзи бўлган чойхоналар, туялар карвонлари юртимиз бой тарихидан дарак беради. Мирзачўлнинг тилни ёрар қовунлари, ширин-шакар меваю узумларини кўрган киши улардан бир татиб кўрсам, дейди.

(Давоми 2-бетда)

## ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО МАҚОМ САНЪАТИ АНЖУМАНИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам халқаро анжуман иштирокчилари!

Қадрли дўстлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун бағрикенг, меҳмондўст, санъатсевар ўзбек диёрида катта байрам, катта шодиёна.

Жонажон Ватанимизнинг гўзал ва бетакрор масканларидан бири Шаҳрисабз заминида, буюк Амир Темур бобомиз бунёд этган муаззам Оқсарой майдонида Халқаро мақом санъати анжумани тантанали равишда очилмоқда. Шу муносабат билан сиз, азизларни, ўз ҳаётини ноёб мусиқа дурдонаси бўлмиш мақом санъатига бағишлаган фидойи инсонларни чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бугунги тантанамизда иштирок этаётган юқори мартабали меҳмонларимиз ЮНЕСКО, Осиё фольклор ижодиёти ташкилоти каби нуфузли халқаро тузилмалар вакилларига алоҳида миннатдорлик билдирамиз.

Россия Федерацияси Президентининг маслаҳатчиси Владимир Ильич Толстойга, Қирғизистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Султанбай Райевга, Қозоғистон Республикаси маданият ва спорт вазири Арстанбек Муҳаммед ўғлига, Тожикистон Республикаси маданият вазири Шамсиддин Ўрумбекзодага, Озарбайжон Республикаси маданият вазири Абульфас Гараевга, Туркия Республикаси маданият ва туризм вазирининг биринчи ўринбосари Аҳмат Халук Дурсунга ўз ташаккурларимизни билдирамиз. Уларнинг юртларида ҳам мана шундай санъат байрамлари кўп бўлсин ва уларда қатнашиш бизга ҳам насиб этсин.

Яна бир қатор давлатларнинг маданият соҳаси раҳбарларини, хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги муҳтарам элчиларини самимий қутлаб, чуқур миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз.

Биз сизларнинг тимсолингизда тинчлик ва эзгулик намояндаларини, халқимиз ва маданиятимизнинг ҳақиқий дўстларини кўрамиз.

**Хуш келибсиз Ўзбекистонга, хуш келибсиз Шаҳрисабзга!**

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Мамлакатимизда биринчи бор ўтказилаётган ушбу санъат байрамида дунёнинг 73 давлатидан келган 300 га яқин иштирокчилар ва меҳмонлар қатнашмоқда. Уларнинг орасида нафақат ўз юртида, балки жаҳон миқёсида ҳам машҳур хонанда ва созандалар, маданият ва санъат арбоблари, мусиқашунос олимлар борлиги барчамизга катта мамнуният бағишлайди.

(Давоми 2-бетда)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ЭЛЧИЛАРИДАН ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 сентябрь куни Беларусь Республикаси, Малайзия ҳамда Туркманистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Леонид Маринич, Хенди Ассан ва Язгули Маммедовдан ишонч ёрлиқларини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари элчиларни мамлакатимизда дипломатик миссиясини бошлагани билан самимий табриклаб, уларга ушбу шарафли ва масъулиятли вазифада улкан муваффақиятлар тилади.

Инсон манфаатлари олий қадрият ҳисобланган мамлакатимизда барча соҳаларда бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат барпо этиш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

Бундай тарихий ўзгаришларнинг муҳим самаралари ташқи сиёсатда ҳам яққол кўзга ташланаётгани қайд этилди. Марказий Осиё давлатлари билан дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш ва стратегик шерикликни йўлга қўйиш натижасида минтақада мутлақо янги сиёсий муҳит шаклланди, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик муносабатлари мустаҳкамланди, манфаатли ва конструктив ҳамкорликни кенгайтириш учун имкониятлар кўпаймоқда.

Ўзаро савдо-иқтисодий, инвестиция, кооперация, маданий-гуманитар алоқалар фаол ривожланмоқда.

Ўзбекистоннинг жаҳондаги кўплаб мамлакатлар, жумладан, етакчи давлатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва молиявий институтлар билан алоқалари сифат жиҳатдан янги, юқори босқичга кўтарилди.

Президентимиз ўз нутқида янги элчилар вакили бўлган давлатлар билан дўстлик ва амалий ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш истиқболларига тўхталиб ўтди.

(Давоми 2-бетда)











## Шаҳардан қолишмайдиган қишлоқлар

Юртимизнинг чекка қишлоқ ва овуллари инфратузилмасини тубдан яхшилашга қаратилаётган эътибор, айниқса, «Обод қишлоқ» дастури ижроси доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар жойларда аҳолининг ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун замонавий шароит яратиш билан бирга, уларда эртанги кунга ишонч туйғусини юксалтирмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда «Обод қишлоқ» дастури асосида Навоий вилояти Қизилтепа тумани Маликобод ва Хатирчи тумани Хўжақўрғон қишлоқларидаги умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари, оилавий поликлиника ва бошқа ижтимоий объектлар фойдаланишга топширилди.

Чиндан ҳам бу йилги энг улуғ, энг азиз айём – Мустақиллик байрамини Маликобод қишлоғи аҳли ҳар йилгидан ўзгача руҳда кутиб олди. Қишлоқда яратилган шароит ва имкониятлар ҳудудда яшовчи 2 минг 250 дан ортиқ аҳолига бир олам қувонч бағишлаб, қалбларини ғурур-ифтихорга тўлдирди.

Чунончи, «Обод қишлоқ» дастури доирасида 10,5 километр ичимлик суви, 10,6 километр табиий газ, қарийб 11 километр электр узатиш тармоқлари, 10 километр ички йўллар ва шунча масофада пиёдалар йўлаги барпо этилгани қишлоқ қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Янгидан қад ростлаган маҳалла гузари, мактаб, мактабгача таълим муассасаси, футбол стадиони, болалар майдончаси қишлоқ аҳлининг, айниқса, келажагимиз эгаларининг узоқ йиллик орзуларини рўёбга чиқарди.

(Давоми 4-бетда)









Жаҳон мумтоз санъатининг ноёб намунаси бўлган мақом санъати бўйича халқаро санъат анжумани давлатимиз раҳбари ташаббуси билан илк маротаба ўтказилмоқда.



# УМРБОҚИЙ МАҚОМНИНГ ЖАҲОНИЙ ТАНТАНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЮНЕСКО рўйхатига киритилган Дорус-саодат ва Дорут-тиловат мажмуалари, Кундузак масжиди, Абдушукур Оғалик мадрасаси, Чорсу бозори каби қадимий обидалар анжуман қатнашчиларига ҳайрат улашади.

Халқаро мақом анжуманининг ўтказилиши, шунингдек, «Қарши – Шаҳрисабз» йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» электр поездининг қатнови йўлга қўйилгани сайёҳликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

6 сентябрь, соат 19.00. Шаҳрисабз, Оқсарой майдони.

Анжуман иштирокчилари ва томошабинлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни қарсаклар билан кутиб олади.

Жаҳон мумтоз санъатининг ноёб намунаси бўлган мақом санъати бўйича халқаро санъат анжумани давлатимиз раҳбари ташаббуси билан илк маротаба ўтказилмоқда.

Майдонга ушбу санъат байрамида иштирок этаётган мамлакатлар вакиллари таклиф этилади. Чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга берилди.

Давлатимиз раҳбари Амир Темур бобомиз барпо этган Оқсарой майдонида ўтаётган халқаро мусиқа санъати анжумани иштирокчилари ва меҳмонларини қутлаб, жаҳон халқларининг мусиқий хазинасига айланган мақом санъатини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, уни келгуси авлодларга безавол етказиш мазкур анжуманнинг асосий мақсади эканини таъкидлади. Ўзбекистоннинг ушбу ташаббусини қўллаб-қувватлаб, нуфузли санъат анжуманида иштирок этиш учун ташриф буюрган халқаро ташкилотлар, мақом ижрочилиги бўйича катта мактабга эга мамлакатлар маданият соҳаси мутасаддилари, санъат арбобларига миннатдорлик билдирди.

Халқаро мусиқа байрамининг очилишига бағишланган театрлаштирилган концерт дастури бошланади. Саҳнада мумтоз наволар янграйди. Ажойиб томоша узоқ-узоқ юртларга трансляция қилинди.

Халқаро санъат анжумани ўзбек миллий мақом санъатининг ноёб намуналарини тарғиб этиш, уни асраб-авайлаш, ёш авлодни мумтоз наволарга ҳурмат руҳида тарбиялаш, халқлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ушбу анжуманда 73 давлатдан 300 дан зиёд иштирокчи ва меҳмон қатнашаётгани унинг юксак мақоми ва нуфузидан далолатдир.

Юртимизда мақом санъати қадимдан ривожланган. Соҳибқирон Амир Темур мақомнинг илк мактабини Шаҳрисабз заминида шакллантиргани тарихий манбаларда ёзиб қолдирилган. Тарихчи Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» асарида Амир Темур даврида ўтказилган мусиқий анжуманлар ҳақида ёзар экан, шундай қайд этади: «Яхши овозли хонандалар куйлашни бошлаб, ғазалу нақш айтур эрдилар. Ва турку уйғур, мўғул ва хитойу араб ва ажамдин ҳар ким ўз расми билан нағма айтур эрди».

Бугун ҳам юртимизда ўз ҳофизи ё санъаткори бўлмаган қишлоқ ёки маҳалла йўқ. Хонадонида дутор, дўмбира, доира каби чолғу асбобини сақлаш ўзбекнинг удумига айланган. Халқимизнинг куй-қўшиққа, санъатга бундай меҳри, мусиқа маданияти оила муҳитида шаклланган ва ривожланган.

Халқимизнинг мусиқий тафаккури ҳосиласи сифатида яратилган дурдоналар жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган. «Шашмақом», «Катта ашула» инсониятнинг энг дурдона кашфиётлари сифатида ЮНЕСКОнинг Жаҳон номоддий маданий мероси рўйхатига киритилгани фикримиз тасдиғидир.

Бугун саноқли халқларда сақланиб қолган мақомнинг моҳиятида аждодларимизнинг бой тафаккури мужассам. Шу боис, юртимизда уни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Кўҳна мақом санъатининг бадиий-эстетик аҳамиятини тиклаш, замонавий мусиқий жараённинг ажралмас таркибий қисми сифатида ижодий, ижро ва илмий салоҳиятини юзага чиқариш йўлида салмоқли ишлар бошланди.

– Кўплаб халқаро фестивалларда иштирок этганман, бироқ Ўзбекистонда юксак савияда ташкил этилаётган Халқаро мақом санъати анжумани кўрганларим ичида энг аълосидир, – дейди Флоренция университети профессори Пьеро Долара. – Анжуман қадимий санъат тури бўлган мақомни тарғиб қилишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Ушбу мусиқа байрами мақом фалсафасини, унинг беназир жозибаси, назокати ва нафосатини ўзида мужассам этган. Ҳар қандай оҳанг инсон қалбининг энг нозик нуқталарига етиб бориши, дилларни мафтун этишини байрамни томоша қилиб яна бир бор англадим. Саҳнада халқимизнинг улуғ ўтмиши, бой санъати ифодаси бўлган қўшиқларни тинглаб роҳатландик. Бу, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг санъат ривожига қўшаётган улкан ҳиссасидир.

– Оқсарой атрофидаги қадимий шаҳарчада ҳунармандлик, деҳқончилик удумлари, тўй саҳналарини кўрсатмоқдамиз, – дейди Қашқадарё вилояти мусиқали драма театри бош режиссёри Исҳоқ Тўраев. – Хорижлик меҳмонлар халқимизнинг бебаҳо меросга эга экани ва аждодлардан мерос қадриятларимизни бугун ҳам безавол сақлаб келаётганига таҳсин айтишмоқда. Бу қадриятларга ҳурмат юртимизда юксак даражада эканидан далолатдир.

...Саҳнада «Шашмақом»нинг дунёда эътироф этилган 6 шўъба тармоғига мансуб мумтоз ашулалар янграйди. Вилоятларнинг фольклор намуналари, бетакрор рақслар дилларни жўштиради. Шўх куй-қўшиқлардан завқланган томошабинлар санъаткорларга жўр бўлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан пойтахтимизда Мақом маркази ташкил этилмоқда, барча вилоятларда мақом ансамбллари фаолият кўрсатмоқда. Улар фаолияти аллақачон ўз натижаларини бера бошлади, тўйларимизда мақомлар ижро этилмоқда. Мақом анжумани доирасида олиб борилган тарғибот ишлари самарасида 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган юртдошларимизнинг мақом санъатига меҳри янада ошди. Мазкур анжуман ҳар икки йилда ўтказилишини инобатга олсак, келгусида мақом санъатига муносабат тубдан ўзгариши шубҳасиз.

– Вилоятимиздаги 22 болалар мусиқа ва санъат мактабининг 20 тасида мақомчилар ансамбллари бор. Яқинда университетимизда ҳам шундай жамоа фаолияти йўлга қўйилди, – дейди Термиз давлат университети мусиқий таълим кафедраси мудири Абдурайим Турсунов. – Ушбу нуфузли анжуман танловида сурхондарёлик ёшлар ҳам иштирок этмоқда. Мақсадимиз келажакда яхши овозлар, янги истеъдодларни тарбиялаб, миллий санъатимизни дунёда янада кенг тарғиб қилишга ҳисса қўшишдир. Бунда мазкур санъат анжумани ёшларимиз учун улкан тажриба мактаби бўлиб хизмат қилади.

10 сентябрга қадар давом этадиган санъат анжуманида 29 давлат вакиллари мақомнинг турли йўналишларида ўзаро баҳслашади. Халқаро ҳайъат иштирокчиларни «Энг яхши мақом ансамбли», «Энг яхши яккахон чолғу ижрочиси» ва «Энг яхши яккахон хонанда» номинациялари бўйича баҳолайди.

Анжуман доирасида «Мақом мусиқий санъати ва унинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция, жаҳон ва ўзбек мақом санъати усталари иштирокидаги бадиий чиқишлар, ёш мақом ижрочилари танлови, илмий-ижодий тақдимотлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар ташкил этилади.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ЭЛЧИЛАРИДАН ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда Беларусь Республикаси билан ҳар томонлама шерикликни изчил кенгайтиришга муҳим аҳамият қаратилаётгани таъкидланди.

Жорий йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми қарийб 4 баробар ошди. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида истиқболли қўшма лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ҳудудлараро алоқалар йўлга қўйилган, гуманитар алмашинувлар фаоллашмоқда.

Давлатимиз раҳбари Беларусь Президенти Александр Лукашенконинг Ўзбекистон Республикасига бўлажак расмий ташрифи давлатлараро муносабатларимиз тарихида янги саҳифа очишига ишонч билдирди.

Ўзбекистон Малайзия билан кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор.

Сиёсий мулоқотни ривожлантириш, савдо, инвестиция, инновация, энергетика, транспорт, тиббиёт ва бошқа соҳаларда қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Бугунги кунда туризм соҳаси, айниқса, зиёрат туризми бўйича самарали ҳамкорликни кенгайтириш учун улкан салоҳият мавжудлиги қайд этилди.

Президентимиз Туркманистон билан дўстлик ва яхши қўшничиликка асосланган анъанавий яқин муносабатлар икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли стратегик шериклик даражасига кўтарилганини алоҳида таъкидлади.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг жорий йил апрель ойида Ўзбекистонга амалга оширган муваффақиятли давлат ташрифи икки томонлама алоқаларни ривожлантиришда тарихий воқеа бўлди.

Олий даражада эришилган келишувларга мувофиқ, савдо, транспорт ва транзит, энергетика, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда Ўзбекистон –Туркманистон ҳамкорлиги кенгайиб бормоқда. Мамлакатларимиз чегараолди ҳудудлари ўртасидаги ишбилармонлик алоқалари ва гуманитар алмашинувлар янада фаоллашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти янги тайинланган элчиларнинг бой тажрибаси, билими ва самарали дипломатик фаолияти мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва ўзаро манфаатли шерикликни кенгайтиришга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Ўз навбатида, янги тайинланган элчилар самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ўртасидаги кенг кўламли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга бор куч-ғайратини сафарбар қилишини қайд этди.

**ЎзА.**

# ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО МАҚОМ САНЪАТИ АНЖУМАНИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугун Шаҳрисабзнинг мовий гумбазлари остида жаҳондаги кўплаб халқлар ва мамлакатларнинг мусиқий хазинасига айланган, ўзининг теран фалсафаси, илоҳий қудрати билан минг-минглаб қалбларни мафтун этадиган мақом садолари баралла янграмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, биз учун бебаҳо бадиий қомус бўлган мақом санъати асрлар, неча юз йиллар давомида инсон руҳини, унинг дарду армонларини, эзгу интилишларини юксак пардаларда ифода этиб келмоқда.

Шарқ мумтоз адабиёти, тасвирий санъати, илму маърифат, исломий қадриятлардан озиқланган мақом санъатига – ана шундай буюк маданий мерос ривожига ўзбек халқи ҳам муносиб ҳисса қўшгани билан биз ҳақли равишда фахрланамиз.

**Бу ноёб бойликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, ундан дунё аҳлини баҳраманд қилиш, келгуси наслларга безавол етказиш турли қитъа ва мамлакатлар вакилларини бу гўзал масканда мужассам этган анжуманимизнинг асосий мақсадидир.**

Қадрли дўстлар!

Бугунги санъат форумини айнан Шаҳрисабз шаҳрида ташкил этганимиз бежиз эмас, албатта.

Бу шаҳар ўзининг 2700 йиллик кўҳна тарихи давомида оғир ва машаққатли синовларни, таҳликали замонларни ўз бошидан кечирди. Аммо ҳар қандай мураккаб даврлар, уруш ва босқинлар, табиий офатлар ҳам уни тарих саҳифасидан ўчира олмади.

Шаҳрисабз буюк саркарда ва давлат арбоби, маданият ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темур бобомиз камолга етган мўътабар маскан сифатида ҳам дунёга маълум ва машҳурдир.

Бу шаҳар қадим-қадимдан улуғ аллома ва шоирлари, санъат ва маданият аҳли, қўли гул усталари, моҳир ҳунармандлари билан шуҳрат қозониб келади. Унинг бағридаги ноёб меъморий обидалар, нодир ёдгорликлар бу ҳақиқатни яққол тасдиқлайди.

Бугунги кунда халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, фидокорона меҳнати билан Шаҳрисабз юртимизнинг энг обод масканларидан бирига, замонавий маданият ва туризм марказига айланиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Муҳтарам меҳмонлар!

Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон замини қадимий цивилизация, маданият ва санъат бешикларидан бири бўлиб келаётгани, ўйлайманки, сизларга яхши маълум.

Самарқанд вилоятининг Мўминобод қишлоғидан топилган 3 минг йиллик най чолғуси, Термиз яқинидаги Айритом археологик ёдгорлигида акс этган созандалар тасвири ва бошқа кўплаб мисоллар миллий мусиқа санъатимиз, ҳеч шубҳасиз, бой ва қадимий тарихга эга эканидан далолат беради.

Буюк шоир ва мутафаккир Мир Алишер Навоий бобомизнинг айнан «наво», яъни, мусиқий оҳанг, деган сўзни ўзларига тахаллус қилиб, бутун дунёда шуҳрат топганини барчамиз яхши биламиз.

**Халқимиз бадиий тафаккурининг маҳсули бўлган «Шашмақом», яъни, олти мақомни, таъбир жоиз бўлса, олти азим дарёга қиёслаш мумкин.** Бу дарёлар асрлар давомида жаҳон маданият уммонига қуйилиб, уни ҳар томонлама тўлдириб, бойитиб келмоқда. Шунинг учун ҳам бу муаззам мусиқий дурдона ЮНЕСКО томонидан жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилгани чуқур маъно ва аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

Азалдан санъатни, мусиқани бутун қалби билан севадиган, ижод аҳлини муносиб қадрлайдиган эл-юртимиз бугунги анжуманни катта қувонч ва ҳаяжон билан кутиб олмоқда.

Бугун биз ана шундай улкан маънавий бойликнинг шаклланиши ва тараққиётида, бу умрбоқий санъатнинг бизгача етиб келишида беқиёс хизмат кўрсатган улуғ шоир ва мутафаккирлар, бастакор ва созандалар, буюк ҳофизларнинг хотирасини ҳурмат-эҳтиром билан ёд этамиз.

Азиз дўстлар!

Бугунги замонда барча эзгу ниятли инсонларни бирлаштириш, ёшларни юксак гуманистик идеаллар руҳида тарбиялашда мусиқа санъатининг ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

**Агар биз асл, ҳақиқий санъатни билмоқчи, ўрганмоқчи бўлсак, аввало, мумтоз мақом санъатини билишимиз, ўрганишимиз керак.**

**Агар биз санъатни, маданиятни кўтармоқчи бўлсак, аввало, мумтоз мақом санъатини кўтаришимиз керак.**

**Мақом оҳанглари, мақом руҳи ва фалсафаси ҳар бир инсон қалбидан, аввало, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг онги ва юрагидан чуқур жой олиши учун бор имкониятларимизни сафарбар этишимиз зарур.**

Мақом санъатининг маданий ҳаётимиздаги ана шундай беқиёс таъсирини инобатга олиб, мамлакатимизда бу борада кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Албатта, сизлар анжуман кунларида ҳамкасб дўстларингиз, санъат мухлислари билан мулоқотда бўлиб, ана шундай ишлар билан атрофлича танишиш имконига эга бўласизлар.

Ўйлайманки, бугунги анжуман олдимизда турган муҳим назарий-амалий муаммоларни атрофлича муҳокама қилиш, бу борада халқаро тажриба, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, интернет имкониятларидан кенг фойдаланиш, турли маданий ва ижодий ташкилотлар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш, ўзаро борди-келдиларни йўлга қўйиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши айни муддао бўлур эди.

Шу маънода, анжуман доирасида ўтказиладиган «Мақом мусиқа санъати ва унинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция бу йўлда муҳим қадам бўлиши табиий.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги санъат ва нафосат байрамини юксак савияда ўтказиш учун ўзини аямасдан, фидокорона меҳнат қилган барча инсонларга, меҳмондўст ва олижаноб Қашқадарё вилояти ва Шаҳрисабз аҳлига анжуман иштирокчилари номидан, халқимиз номидан самимий миннатдорчилик билдиришга ижозат бергайсиз.

Муҳтарам дўстлар!

Азиз меҳмонлар!

Сизларнинг бевосита иштирокингизда бошланаётган бугунги халқаро анжуман бардавом бўлиб, узоқ ва яқин минтақаларда мақом санъати ривожини янги босқичга кўтариш учун пойдевор бўлиб хизмат қилади, деб ишонаман.

Барчангизни халқаро мақом анжуманининг очилиши билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Дилларни дилларга, элларни элларга пайванд этадиган мақом санъатимиз ҳамиша гуллаб-яшнасин!

Унинг фидойилари доимо бор бўлсин, омон бўлсин!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда янги ижодий ютуқлар, анжуман ишига муваффақиятлар тилайман.

Катта раҳмат сизларга, яна бир бор хуш келибсиз Ўзбекистонга!

Эътиборингиз учун ташаккур.

Юртимиз мустақиллигининг 27 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига кўра, Германиянинг «KNAUF» корхоналари гуруҳи иштирокчилари Кенгаши аъзоси Николаус Кнауф «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

# «KNAUF» Фарғонада ҳам ишлаб чиқарилади



Мустақиллик байрами кунлари Николаус Кнауф бошчилигидаги делегация Фарғона вилоятига ташриф буюрди. Меҳмонларни карнай-сурнай садолари остида вилоят ҳокими Шуҳрат Ғаниев кутиб олди. Хорижлик сармоядорлар янги корхона ташкил этиладиган ҳудуд – Ўзбекистон туманидаги Шўрсув кичик саноат зонасини бориб кўрдилар.

Шундан сўнг вилоятнинг диққатга сазовор жойларида бўлган меҳмонларга эсдалик совғалари – фарғоналик усталар томонидан ясалган ҳунармандлик ва мисгарлик намуналари топширилди.

Ташриф якунида германиялик ишбилармон самимий қабул ва меҳмондўстлик учун мезбонларга миннатдорлик билдирди.

Вилоят ҳокимлиги матбуот хизматининг хабар беришича, чет эллик инвесторлар маблағлари эвазига ҳаётга татбиқ этилиши кутилаётган лойиҳага мувофиқ янги корхона ишга туширилса, туманнинг Ойимча, Қақир, Нурсух каби қишлоқларда яшайдиган юзлаб аҳоли иш билан таъминланади.

**Маълумот ўрнида:**
Қурилиш материаллари, хусусан, қуруқ қоришмалар ва гипсакартон маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган «KNAUF» оилавий корхонаси 1932 йилда ака-ука муҳандислар – Карл ва Альфонс Кнауфлар ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, айни пайтда компания уларнинг ўғиллари – Николас ва Балдвин Кнауфлар томонидан бошқариб борилмоқда. Бугунги кунда «KNAUF»нинг 35 дан ортиқ мамлакатда 120 дан зиёд заводи мавжуд. Жумладан, 2006 йилда «Бухорогипс» акциядорлик жамияти негизида Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси ташкил этилган.

**Ўз мухбиримиз.**

# Ободонлаштириш соҳасида қонунийлик таъминланиши зарур

Халқимиз саранжом-саришталикни, ободликни доим қадрлаган. Шаҳару қишлоқларимизда янги уйлар, равон йўллар барпо этилаётгани юртдошларимизнинг кайфиятида, уларнинг эзгу мақсадлар сари интилишлари кучайиб бораётганида ҳам намоён бўлмоқда.

Ободонлаштириш ишларига эътибор кучайгани аҳолига қулай экологик муҳит яратилишига сабаб бўлаётгани ҳам қувонарли. Чунки бу жараёнда хушманзара ландшафт дизайнига эътибор кучайтирилди.

Барча соҳаларда бўлганидек, ободонлаштириш тизимининг ҳам қонуний асослари мавжуд. Соҳада қонун талабларига қандай риоя этилаётгани Адлия вазирлиги томонидан ўрганилди.

Таҳлил натижалари ободонлаштириш ишларининг юқори самарадорлигига эришишда тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатди.

Айтиб ўтиш керакки, ободонлаштириш ишлари маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағлар, бошқача айтганда, солиқ тўловчиларнинг маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Бунда ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар туташ ҳудудларни ободонлаштиришда ҳеч қандай мажбуриятга эга эмас.

Хорижий давлатлар тажрибасида эса ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларга уларнинг кўчмас мулкларига туташ ҳудудларни ободонлаштириш мажбуриятини юклаш амалиёти мавжуд. Хусусан, Нью-Йоркда (АҚШ) юридик шахслар ўзларининг кўчмас мулкларига туташ бўлган майдонларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширишга мажбур. Жанубий Кореяда эса қурилиш компаниялари томонидан бино, иншоотларни қуришга тегишли ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш шарти билан рухсат берилади.

Ободонлаштириш соҳасида молиялаштириш манбаларининг чегараланганлиги малакали мутахассисларни жалб этишда тўсқинлик қилмоқда.

Ободонлаштириладиган ҳудудларнинг аниқ майдони белгиланмагани ҳам соҳадаги муаммолардан бири. Бу борадаги паспортларнинг ҳолати қониқарсиз аҳволда. Таҳлиллар ҳақиқий ободонлаштириладиган майдонлар ҳажми паспортда қайд қилинган майдонлардан бир неча маротаба катта эканлигини кўрсатган.

Айрим майдонлар, хусусан, аҳоли пунктларининг марказлари (хиёбонлар, парклар, марказий кўчалар) қисман ободонлаштириш бошқармалари, давлат органлари, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан ободонлаштирилаётган бўлса, ҳудудларнинг қолган қисми эса қаровсиз ҳолда.

Туманлар ва шаҳарларнинг аҳоли пунктларида, шунингдек, жамоат жойларида чиқинди қутиларининг етишмовчилиги муаммоси мавжуд. Чиқинди қутилар учун талаблар, уларни ишлаб чиқиш, босқичма-босқич жойлаштириш графиклари жорий этилмаган. Фуқароларни тозаликни таъминлашга чорлайдиган талаблар мавжуд эмас.

Шунингдек, сув объектлари ҳамда қирғоқбўйи ҳудудлари ҳам қониқарсиз аҳволда. Бу ушбу муаммога кўпроқ эътибор тортиш зарурлигини тақозо этади.

Ободонлаштириш бошқармаларининг иш ҳажми мавжуд имкониятлардан 3-4 марта кўплиги иш сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Республика бўйича 201 ободонлаштириш бошқармаси мавжуд бўлиб, уларда жами 52 мингдан зиёд штат бирлиги бор. Ўрганиш давомида қарийб 1,5 минг иш ўрни бўш эканлиги маълум бўлди.

Республика ободонлаштириш бошқармалари балансида жами 4 минг 522 техника воситаси мавжуд бўлиб, улардан 20 фоизи носоз аҳволда. Қолган техника воситаларининг кўпи эскирган.

Ободонлаштириш бошқармаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ходимларининг моддий таъминотини оширишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмаган. Туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириладиган маблағларни жамлаш имкониятини берувчи бюджетдан ташқари жамғармалар мавжуд эмас.

Инновацион ривожланиш даврида замонавий техника ёрдамида фойдали иш коэффициентини сезиларли даражада ошириб, ресурслар иқтисод қилинаётган бир пайтда, ободонлаштириш ишларининг аксарияти ҳануз қўл меҳнати ёрдамида амалга ошириб келинмоқда.

Давлат-хусусий шериклик элементларининг мавжуд эмаслиги, қўшимча самарали ресурсларни жалб этиш имкониятини чеклайди. Мазкур шерикликни алоҳида талаблар асосида жорий этиш хусусий секторнинг моддий-техника ва меҳнат ресурсларини жалб этишга имкон яратади. Бу борада тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик ўрнатиш иш сифати ошишига ёрдам бериши шубҳасиз.

Бу борада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари хусусий секторга топширилган Жанубий Корея тажрибаси диққатга сазовор. Мазкур мамлакатда табиат ва боғдорчиликни муҳофаза қилишга ихтисослаштирилган тадбиркорлик субъектлари танлов асосида шаҳар ландшафти бўйича ишларни маҳаллий бюджет маблағларидан молиялаштирилган ҳолда амалга ошириш ҳуқуқини қўлга киритади.

Соҳада аҳолининг озодалик ва тартибини таъминлашда қизиқишини оширадиган самарали жамоатчилик назорати ўрнатиш муҳим. Реал вақт режимида аҳоли билан фаол ўзаро ҳамкорлик қилишга имкон берувчи электрон майдонча яратилиши бугунги кун талабларидан биридир.

Шаҳар, вилоят ва туман марказлари, овул ва қишлоқ аҳоли пунктларини ободонлаштириш бўйича ишларнинг самарадорлигини тубдан ошириш мақсадида Адлия вазириги томонидан «Аҳоли пунктларини ободонлаштириш бўйича ишларнинг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Бу ободонлаштириш соҳасида учраётган камчилик ва муаммоларни бартараф этишда зарур ҳуқуқий асос бўлади. Тизимда ишлар самарадорлиги ортиши эса халқимиз турмуши фаровонлигига хизмат қилади.

**Матлуба МИРЗААБДУЛЛАЕВА,**
**ҳуқуқшунос.**



Халқимизда бировнинг ҳақи буюрмайди ёки текин тешиб чиқади, каби асрлар синовидан ўтиб келаётган нақллар бор. Фирибгарлик қилиб бировнинг ҳақига кўз олайтираётганлар наҳотки буни билмаса?

Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолати

# Сохта рекламага чув тушганлар

Сифатли маҳсулот ва хизматлар аслида рекламага муҳтож эмас. Уларни истеъмолчиларнинг ўзи топади. Бироқ, истаймизми-йўқми, рекламалар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам ишончлими?

Қонунчиликда рекламага нисбатан қонунийлик, аниқлик, ишончлилик талаблари қўйилган.

Бироқ реклама берувчилар орасида қонунни четлаб ўтиб, фақат ўз фойдасини кўзлаётганлар ёки одамларни чув туширишни мақсад қилаётганлар ҳам учраб туради.

Қурилиш ишларини бажариш бўйича хизмат кўрсатувчи хусусий корхонага асос солган бухоролик тадбиркор иши юришгунча анча тер тўкиши зарурлигини англагач, «сохта реклама» ғояси ҳақида ўйлаб кўрди.

Гарчи реклама беришга ҳам пули бўлмаса-да, маҳаллий телеканал ходимини бир амаллаб насияга кўндирди.

«Архитектор-ҳамкор» хусусий корхонаси бепул техника хизмати кўрсатади, қурилиш ишларини бепул бажаради. Фақат смета асосида қурилиш материаллари учун пул тўласангиз кифоя».

Телевидение орқали ёлғон гап айтилмайди, деган фикрда бўлган кўплаб кишиларга бу реклама, айниқса, ундаги «бепул» деган сўзлар ёқиб тушди.

«Архитектор-ҳамкор» хусусий корхонаси раҳбари А. Э. сўзнинг қудратига қойил қолди. Чунки реклама бўйича қўнғироқларнинг кети узилмас, уйимни қуриб беринг, цехимни таъмирлаб беринг, дегувчиларнинг охири кўринмасди.

Унинг биринчи мижозларидан бири ромитанлик А. А. бўлди. У Ромитан тумани Шифокор кўчасида жойлашган ер майдонига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси биносини қурдириш ниятида эди. Шу мақсадда шартномага мувофиқ А. Э.га смета харажатининг 50 фоизини, яъни 2 000 доллар беради.

Корхона раҳбари пулни қўлга киритгач, мижознинг ишончини қозониш учун иш бошлайди. Бино учун пойдевор қуриш мақсадида бир-неча кун қазиш ишлари олиб борилади. Орадан уч-тўрт кун ўтиб, арихитектор бу ердан жуфтакни ростлайди.

Яна янги мижозларни қабул қилиш, улар билан шартнома тузиш, ишончини қозониш учун ишни бошлаш, пулни қўлга киритгач эса ҳаммасини ташлаб қочиш амалиёти давом эттирилади.

Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи М. исмли аёл А. Э.га ишониб янги уй қураман, деб эскисидан ҳам айрилди.

Аёлнинг қарийб 40 миллион сўм пулини қўлга киритган бу «уддабурон» унинг эски ҳовлисини бузиб берди, холос.

«Саммир-Текс» масъулияти чекланган жамияти сохта рекламага ишониб, 182 миллион 540 минг сўмини «Аритектор-ҳамкор»га ўтказиб берди.

Кўза кунда эмас, кунида синади, деганларидек, А.Э.нинг кирдикорлари вақти келиб фош бўла бошлади. Жабрланганлар бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилгач, алдов тегирмони тўхтади. Катта фирибгарлик ўйинининг қаҳрамонига айланган А.Э. қамоққа олинди.

– Мазкур фирибгарликка оид жиноят ишини кўриш жараёнида нафақат унга катта миқдорда пул берган ўнга яқин шахс, балки қурилиш ишларига жалб этилган, лекин ҳақини ололмаган ишчилар, шунингдек, реклама ҳақини ундиролмаган телеканал ходими ҳам кўрсатма берди, – дейди Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди судьяси Акбаржон Жабборов. – Суд муҳокамаси жараёнида судланувчи айрим жабрланувчиларга етказилган зарарни тўлаб берди, албатта. Аммо умумий зарар жуда кўп миқдорни ташкил этиши боис судланувчи уларнинг барчасини бартараф эта олмади. Ўзгалар мулкини алдов, фирибгарлик билан қўлга киритган ва ўз шахсий манфаати учун ишлатиб юборган А. Э. айбдор, деб топилди ва унга саккиз йилдан ортиқроқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Шу билан бирга қопланмаган зарарлар ҳам босқичма-босқич ундириб олинади.

Халқимизда бировнинг ҳақи буюрмайди ёки текин тешиб чиқади, каби асрлар синовидан ўтиб келаётган нақллар бор. Фирибгарлик қилиб бировнинг ҳақига кўз олайтираётганлар наҳотки буни билмаса?

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Кўча-кўйда чиройли, ярашган кийим кийганни кўрсак ҳавас қиламиз. Кинолардаги қаҳрамонлар, таниқли санъаткорларнинг кийиниши, хатти-ҳаракатларига тақлид қилишни айтмаса ҳам бўлади. Бу инсонга хос одат. Ҳатто фарзандларимиз болалигиданоқ ота-онасига ўхшашга интилади, тақлид қилади.

# «Kiki-challenge» эпидемияси

Аммо ақли жойида, воқеа-ҳодисаларни тўғри англай оладиган инсонлар ҳам айни касалликка чалинганига нима дейсиз? Ўзини бироз эҳтиёт қилса бўларди? Шунда бу юқумли касаллик унинг онгига кириб олмасмиди? Бунда ҳам бир чегара, меъёр бўлиши керак эмасми?

«Kiki-challenge» эпидемияси» бизнинг юртимизга ҳам ёпирилиб кирди. Бу таниқли санъаткорлар томонидан оммалаштирилмоқда. Ижтимоий тармоқларда ўзини кўз-кўз қилиш, атрофдагилар эътиборини тортиш, диққат марказида бўлиш «касаллиги» жуда авж олаётгани маълум. Аммо бу одоб-ахлоқ чегарасини босиб ўтиш ёки миллий менталитетимизга хос бўлмаган хатти-ҳаракатларни бажариш мумкинлигини англатмайди.

Бу кўнгилхушлик, кайфиятни кўтариш, шунчаки рақсга тушиш эмас. Балки кўр-кўрона кимгадир тақлид қилиш ва маданиятсизликнинг бир кўринишидир. Бунинг ортида ахлоқсизлик бор, деяётганимизнинг сабаби, ушбу қўшиқнинг сўзларига бориб тақалади. Уни қуйидагича таржима қилдик:

Кики мени севасанми? Сен ким билансан?

Сен мени ҳеч қачон ташлаб кетмайман, деб айтгандинг.

Мен сени хоҳлайман, сен менга кераксан,

Ва мен ҳар доим сен билан кўришишга тайёрман...

Кейинги бандларда бошқасини севиб қолгани, уни қора танли йигитга алмаштираётгани ҳақидаги жумлалар ҳам бор.

Инсон таом танлаётганида унинг сифати, тайёрланиши, сақланиши, фойдаси каби жиҳатларга эътибор қаратади. Аниқроғи онг бу каби маълумотларни «фильтр»дан ўтказади. Аммо маданиятимиз, миллий тафаккуримизга берилаётган озуқани нега сараламай қабул қиляпмиз? Бугун биз ўйламай босган қадамимиз эртага келажагимиз, фарзандларимизнинг тақдирига салбий таъсир кўрсатмайдими? Ахлоқсизлик, кўр-кўрона эргашиш, тақлид қилиш каби иллатларнинг авж олишига сабаб бўлмайдими?

Нега атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни таҳлил этмасдан, бепарво, эътиборсиз бўляпмиз?

Ижтимоий тармоқларда ҳам «оммавий маданият»нинг бу кўринишига кимдир ўйламай эргашаётган бўлса, кўпчилик қатъий қораламоқда.

**Мавлуда:** *Маданият қани, уят, ибо қани? Артистларимизнинг аҳволи шу бўлса, бошқалардан нимани кутамиз...*

**Дилфуза:** *...ҳамма нарсанинг жойи, вақти, жавоби бор, ўзбекона тарбия, маданиятга умуман тўғри келмайди.*

Ўзбекистон ҳудудида энди авж олаётган бу «касаллик» бошқа давлат ёшу қарисининг онгини аллақачон заҳарлаб бўлди. Бунга қарши таъсир сифатида тасвир олишга ҳам улгуришди.

«Kiki-challenge» туфайли қанча одам ғилдираклар остида қолиб кетаётгани, турли фалокатларга йўлиқаётгани ҳар куни интернетда чиқиб турибди.

Шунчаки бизни оломон сифатида ҳар йўриққа, исталган мақомга «йўрғалатиш» жуда осонлиги ташвишга солади. Ахир инсон онгли мавжудот-ку. Кўргани, эшитгани, кимнингдир қилиғини кўр-кўрона такрорлаши қанчалик тўғри?

Ғарбликлар «Kiki-challenge» пандемиясига қарши курашни аллақачон бошлаб юборган. Масалан, испан полицияси расмий сайтида «Ўсмир ёшлар автомобиль воситаларида ушбу флешмобни қўллаши тақиқланади. Автомобиль ўйинчоқ эмас, уни масъулият билан бошқаринг» деган таъкидлар пайдо бўлди. Боадилья-дель-Монте шаҳри ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораси ўзининг расмий твиттерига мазкур флешмоб оқибатида вафот этган ёки жароҳатланганлар видеосини жойлаштирган.

Йўл ҳаракати қоидаларини назорат қилувчи яна бир европалик мутахассис телевидение орқали: «Бу мен интернетда кўрган энг аҳмоқона нарсалардан бири. Сиз, «ҳурматли» касаллик тарқатувчилар, бу хатти-ҳаракатингиз билан, аввало ўзингизни, кейин эса бошқаларнинг ҳаётини хавф остига қўйяпсиз», деди.

Қармоққа айланаётган ижтимоий тармоқларда тарқатилаётган ўлжа оломон томонидан саралаб ҳам ўтирилмаяпти. Уни тарқатаётганларга «офарин, яшанг, миллатимизга зид иллатларни оммавий ёйишга кўмаклашаётганингиз учун», демаслигимиз аниқ. Бу маълумотларга зид равишда, кулгу асносида тарқатилаётган хабарлар эътиборимни тортди. Қандай ажойиб таъсир усули. Аммо баъзилар бу жараёнга жуда берилиб кетиб, асл мақсадни ҳам унутиб қўяётгандек назаримизда.

**Барно МЕЛИҚУЛОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ПРИГЛАШЕНИЕ К УЧАСТИЮ В ТЕНДЕРЕ!

## Управление охраны УВД по Сырдарьинской области приглашает к участию в тендере, и просить представить тендерное предложение по следующему объекту:

| № п/п | Наименование объекта | Предельная стоимость заказчика с НДС (сум) | Предельная стоимость заказчика без НДС (сум) | Срок строительства |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Реконструкция административного здания и строительство пристроек Управление охраны УВД по Сырдарьинской области | 3 692 961 145 | 3 077 467 621 | 30 декабря 2018 года |

**Источник финансирования проекта:** за счет собственных средств Главного управления охраны МВД Республики Узбекистан.

**Адрес заказчика:** город Гулистан, ул. Бирлашган, 47.

**Телефон:** (0-367) 225-45-43.

**В тендере могут участвовать:**

отечественные и зарубежные строительные организации, предприятия и фирмы, заявившие о своём намерении участвовать в тендере на предложенных условиях;

участие в конкурсных торгах объединений юридических лиц (консорциумов) не допускается.

**К участнику на участие в тендере предъявляются следующие квалификационные требования:**

наличие оборотных средств, в размере не менее 20 % от стоимости предмете тендера или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственной базы, трудовых ресурсов и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг);

гражданская правоспособность и полномочия на заключение договора;

наличие опыта работ за последние три года по аналогичным объектам и объемам тендера;

предоставление сведений о ранее выполненных объемах работ собственными силами, намечаемом объеме работ, планируемом к выполнению собственными силами на объекте тендера (в процентах);

размер уставного капитала.

Не допускаются к участию в процедурах тендера участники, находящиеся на стадии реорганизации (разделения, слияние), ликвидации или банкротства, на имущество которых наложен арест, а также имеющих непосредственную организационно-правовую или финансовую зависимость друг от друга, выраженную в форме актов учредительства финансового участия холдинга и других форм.

Требования ко всем документам необходимым для подготовки и подачи тендерного предложения отражены в тендерной документации, в том числе формы и образцы для заполнения.

Участники тендера имеют право обращаться к заказчику (организатору тендера) для ознакомления с проектной документацией в т.ч. графической части (чертежа) для изучения и составления тендерного предложения.

Заказчик представляет проектную документацию в т.ч. её графическую часть (чертежи оригинал или электронная версия) участникам тендера по первому их требованию.

**Тендерную документацию по предмету тендера с 9.00 до 18.00 можно получить по адресу:** город Гулистан, ул. Хондамир в здании Главного управления строительства, 2-этаж, 203-кабинет.

**Контактный телефон/факс:** (0-367) 225-64-42.

**Контактное лицо:** Даминова Р.

**Стоимость одного комплекта тендерной документации** – 182 000 сум.

Последний срок приёма предложений с 09.00 до 18.00 ежедневно, за исключением выходных дней.

Вскрытие предложений состоится по истечении 30 дней после публикации объявления.

# «Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ

## объектнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

**Аукцион савдосига Қашқадарё вилояти «Агрокимёҳимоя» ҲАЖга қарашли қуйидаги кўчмас мулклар қўйилади:**

1. Ғузор тумани, «Ғармистон» ҚФЙ, «Тенгдош» қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 464,39 квадрат метр бўлган юбилей шийпон биноси. **Бошланғич баҳоси** – 199 773 651 сўм.

2. Ғузор тумани, «Янгикент МФЙ», «Янгикент» қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 176,66 квадрат метр бўлган турар жой биноси. **Бошланғич баҳоси** – 58 255 132 сўм.

3. Ғузор тумани, «Янгикент» МФЙ, «Янгикент» қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 434,56 квадрат метр бўлган минерал ўғитлар сақлаш омбори биноси. **Бошланғич баҳоси** – 97 982 973 сўм.

4. Ғузор тумани, «Қовчин» МФЙ, «Дунг Қовчин» қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 146,95 квадрат метр бўлган турар жой биноси. **Бошланғич баҳоси** – 83 674 728 сўм.

5. Ғузор тумани, «Қовчин» МФЙ, «Дунг Қовчин» қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 629,47 квадрат метр бўлган минерал ўғитлар сақлаш омбори биноси. **Бошланғич баҳоси** – 261 089 524 сўм.

6. Ғузор тумани, «Зарбдор» МФЙ, «Қовчин» қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 396,00 квадрат метр бўлган биолаборатория биноси. **Бошланғич баҳоси** – 427 442 478 сўм.

7. Ғузор тумани, «Гулистон» МФЙ, «Каттақишлоқ» қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 1492,0 квадрат метр бўлган минерал ўғит сақлаш ва тарқатиш шохобчаси биноси. **Бошланғич баҳоси** – 76 468 433 сўм.

8. Ғузор тумани, «Пахтазор» МФЙ, «Кўҳинур» кўчасида жойлашган, умумий майдони 2105,56 квадрат метр бўлган минерал ўғит сақлаш ва тарқатиш шохобчаси биноси. **Бошланғич баҳоси** – 179 940 723 сўм.

9. Ғузор тумани, «Ҳалқабод» МФЙ, «Ҳалқабод» қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 413,43 квадрат метр бўлган минерал ўғит сақлаш ва тарқатиш шохобчаси биноси. **Бошланғич баҳоси** – 79 240 798 сўм.

10. Ғузор тумани, «Қўштепа» МФЙ, «Жонбулоқ» қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 76,79 квадрат метр бўлган дала шийпони биноси. **Бошланғич баҳоси** – 28 690 726 сўм.

**Шунингдек, аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилади:**

1. «Агробанк» АТБ Миришкор филиали балансида бўлган эски банк биноси. **Бошланғич баҳоси** – 50 000 000 сўм.

2. Шаҳрисабз тумани «Ўзбекистон» ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича қайта ташкил этиш комиссиясининг 2017 йил 17 январдаги 1-сонли баённомасига асосан қайта ташкил этиш комиссиясининг балансида бўлган «Ўзбекистон» ҚФЙ, Хўжахуросон қишлоғида жойлашган, умумий майдони 2 757,48 квадрат метр бўлган марказий дорихона биноси. **Бошланғич баҳоси** – 78 668 119 сўм.

**Аукцион савдоси 2018 йил 8 октябрь куни соат 10.00 дан бошлаб «Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ офиси биносида ўтказилади.**

Очиқ аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар эълон чиққан санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача «**Ixtisoslashgan kim oshdi savdo**» **МЧЖ** офиси биноси (Қарши шаҳри, 4-митти туман, **мўлжал:** «Парвина» кафесининг ёни)да қабул қилинади.

Аризаларни қабул қилиш 2018 йил 5 октябрь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолиби сотувчи билан аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун муддатда олди-сотди шартномасини тузиш ва тўловларни сотувчи билан тузиладиган олди-сотди шартномасига асосан амалга ошириш мажбурияти юклатилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар кўрсатилган объектни сотиб олиш учун буюртманомалар, «Закалат пули тўғрисида»ги келишувга асосан савдога қўйилган объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизи миқдорида закалат пули тўланганини тасдиқловчи ҳужжат, жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, юридик шахслар учун корхона (ташкилот) устави ҳамда ваколатли шахс номига берилган ишончнома тақдим этишлари шарт.

**Закалат пулини тўлаш учун реквизитлар:** «Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ, АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё вилояти филиали МФО 00190 ҳисоб рақами 2020 8000 5049 4256 0001 СТИР 302 126 648.

**Манзил:** Қарши шаҳри, 4-митти туман.

**Мўлжал:** «Парвина» кафеси.

**Телефон:** (998 95) 505-08-99.

**E-mail:** ikoskarshi@yandex.com

**Веб сайт:** www.ikos.uz

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR-0111 рақамли лицензия.*

# «NAVOIY REALTOR SERVIS» МЧЖ

## нархи ошиб бориши тартибида ўтказиладиган аукцион савдоларига таклиф қилади!

**Аукцион савдосига Навоий вилояти Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасининг 2018 йил 6 сентябрдаги 218 а-ф-сонли буйруғи ва Кармана тумани ҳокимининг 2018 йил 30 августдаги К-1067-сонли ва Хатирчи тумани ҳокимининг 2017 йил 4 мартдаги К-302-сонли ва 2017 йил 16 октябрдаги К-1908-сонли қарорларига асосан якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларини мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича қуйидаги ер участкалари қўйилмоқда:**

1. Хатирчи тумани, «Дамариқ» МФЙ ҳудудидан 1-сонли, жами 1 дона, ҳар бири 399 квадрат метрдан иборат (якка тартибда уй-жой қуриш учун 399 квадрат метр) ер майдонлари. **Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси** – 118 410,00 сўм.

2. Хатирчи тумани, «Учкара» МФЙ ҳудудидан 19, 20, 23, 35-38-сонли, жами 7 дона, ҳар бири 400 квадрат метрдан иборат (якка тартибда уй-жой қуриш учун 400 квадрат метр) ер майдонлари. **Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси** – 118 410,00 сўм.

3. Хатирчи тумани, «Учкара» МФЙ ҳудуди 117-контурдан 1-5-сонли, жами 5 дона, ҳар бири 600 квадрат метрдан иборат (якка тартибда уй-жой қуриш учун 400 квадрат метр ва 200 квадрат метр деҳқон хўжалиги юритиш учун) ер майдонлари. **Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси** – 498 000,00 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 8 октябрь куни соат 11.00 дан Навоий шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 32-уй, 20-хонадонда ўтказилади.

Буюртмаларни қабул қилиш мазкур эълон чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар 2018 йил 5 октябрь куни соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

2018 йил 8 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган ер майдонларининг такрорий аукцион савдолари 23 октябрь, 7, 22, ноябрь ва 7 декабрь кунлари соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади. Такрорий аукцион савдосига аризалар қабул қилиш 22 октябрь, 6, 21 ноябрь ва 6 декабрь кунлари соат 18.00 да тўхтатилади.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан ер участкасига бўлган ҳуқуқлар бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ва консалтинг хизмати учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари микдоридаги пул маблағини «NAVOIY REALTOR SERVIS» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт:** ҳ/р 2020 8000 7049 2620 1001 АТ Халқ банк Навоий шаҳар филиали МФО 00708 СТИР 302 058 922.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 20 кун муддат ичида ерга бўлган ҳуқуқни тасарруф қилиш шартномасини имзолаш шартлари юклатилади. Тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 100 фоизидан кам бўлиб қолган тақдирда, етишмаётган миқдорини шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

**Закалат тўғрисидаги келишув имзолангандан сўнг талабгор савдо ташкилотчисига аукцион савдоси ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатларни буюртманома билан бирга тақдим этадилар:**

– **Ўзбекистон Республикаси фуқаролари** – паспорт нусхаси;

– солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);

– **хорижий юридик шахслар** – уларнинг устави белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси;

– **хорижий фуқаролар** – чет давлат миллий ёки дипломатик паспорти нусхаси;

– **Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар** – яшаш гувоҳномаси нусхаси;

– закалат пулининг тўланганини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

**Буюртманомалар қабул қилинадиган манзил:** Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 32-уй, 20-хонадон.

**Тел.:** (0-436) 225-27-79, (998 93) 462-28-08.

**E-mail:** nurs.uzb@mail.ru

**Веб сайт:** www.nurs.uz

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR-0022 рақамли лицензия.*

Тошкент шаҳар Миробод тумани БТИ томонидан Бойкулов Бахтиёр Буриевич номига берилган, Миробод тумани, Янги Замон кўчаси, 84-уй, 3-хонадонга тегишли кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли **бекор қилинади.**

М. Ғайбуллоевга вилоят ҳокимлиги томонидан юрт шарафини муносиб ҳимоя қилгани учун туман ҳудудида намунавий лойиҳа асосида қурилган икки сотих ер майдонига эга 3 хонали уйлардан бирининг калити ҳамда уйга эгалик қилиш тўғрисидаги сертификат топширилди.



## Муносиб туҳфа

Андижон шаҳридаги Шифокорлар маҳалласида янгидан барпо этилган ҳар бири 42 хонадондан иборат 7 қаватли 4 та янги уй фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож аҳоли вакилларини арзон ва замонавий уй-жойлар билан таъминлаш, уларнинг турмуш даражасини янада яхшилаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Қурилиш ишлари Андижон шаҳридаги «Хоқон авто инвест» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари томонидан амалга оширилди.

Энг улуғ, энг азиз айём – Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллиги нишонланаётган шу кунларда фойдаланишга топширилгани ушбу замонавий уйлар соҳиблари учун ҳақиқий байрам туҳфаси бўлди.

– Бир неча йилдан буён ҳаракат қилсак-да, янги уй сотиб олишга имкон тополмаётган эдик, – дейди янги уй соҳибаси Нафисахон Ҳошимова ЎзА мухбири Фахриддин Убайдуллаев билан суҳбатда. – Президентимиз ташаббуси билан кўп қаватли арзон уйлар барпо этилаётгани муаммомизни ҳал этишга ёрдам берди. Байрам арафасида шундай уйларнинг биридан кредит эвазига, барча қулайликларга эга 2 хонали квартира олишга муяссар бўлдик. Бундай эзгу ишлар ташаббускори ва раҳнамоси бўлган давлатимиз раҳбаридан беҳад миннатдормиз.

Дарҳақиқат, икки ва уч хонали хонадондан иборат ушбу уйларда барча қулайликлар яратилган, ҳар бир уй алоҳида иситиш тизимига эга. Уйлар олдида замонавий жиҳозланган болалар майдончалари, савдо дўкони, гўзаллик салони ва автотураргоҳ барпо этилган.



Мамлакатимизда юртдошларимизни ҳаётдан рози қилиш йўлида амалга оширилаётган бу каби ишлар одамларда яшашга, ишлашга муносабатни тубдан ўзгартириб, эртанги кунга ишонч туйғусини мустаҳкамламоқда.

Тадбирда Андижон вилояти ҳокими Ш. Абдураҳмонов сўзга чиқди.

## Шаҳардан қолишмайдиган қишлоқлар

(Давоми. Боши 1-бетда)

Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳалар ишга туширилиши эса 180 га яқин одамнинг бандлигини таъминлади. 138 нафар фуқарога тадбиркорликни бошлаши учун 1 миллиард 159 миллион сўмлик кредит маблағи ажратилгани ҳудуд аҳли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга қўйилган яна бир дадил қадам бўлди.

Қарийб 21 миллиард сўм маблағ йўналтирилган Маликободни обод этишда саховатпеша юртдошларимиз ҳам фаол иштирок этди. Энг муҳими, бу йил маликободликлар истиқлол байрамини ўзлари орзу қилганидек гўзал ва обод қишлоқда нишонлади.

– Икки неварам бундан буён боғчада тарбия олиш имкониятига эга бўлганидан жуда хурсандман, – дейди шу қишлоқда яшовчи Н. Ярашева. – Авваллари бу ушалмас орзу эди. Ҳудудимизни обод қилган ва эзгу ниятларимизни амалга оширишга кўмаклашган барча инсонларга, биринчи навбатда, шундай олижаноб ишнинг бошида турган давлатимиз раҳбарига чексиз миннатдорлик билдирамиз.

Аҳоли соғлиғи қишлоқ врачлик пунктининг 13 нафар ходими томонидан назорат қилинади. «Маликобод иссиқ нон» МЧЖ эса 10 турдаги нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлайди. Корхонада бир кунда олти минг дона нон ёпилмоқда. Замонавий қиёфа касб этган ва барча шароит яратилган маҳалла гузари, кутубхона, тикув цехи фаолиятидан ҳам одамлар мамнун.



– Тикувчилик билан кўп вақт уйда шуғулландим, – дейди ёш тадбиркор С. Зиётдинова. – Цех ташкил этиш учун «Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастури асосида 15 миллион сўм банк кредити ажратилгач, бизга берилган бинода жиҳозлар ўрнатиб, 6 нафар тенгдошимни иш билан таъминладим.

Хатирчи туманидаги Хўжақўрғон қишлоғида 2,5 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Ҳудуднинг янгича кўриниш олиб, ободлаштирилгани муносабати билан ташкил этилган тантаналарда иштирок этган ҳар бир инсон шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовут барҳам топганига ўзлари гувоҳ эканини таъкидлайди.

Дастур доирасида қишлоқдаги мактаб реконструкция қилинди, маҳалла гузари, 60 ўринга мўлжалланган МТМ, ҳаммом бунёд этилди.

– Амалга оширилган бунёдкорлик ишлари натижасида аҳолининг келажакка ишончи юксалиб, ҳаётга муносабати тубдан ўзгарди, – дейди қишлоқ кексаларидан А. Рашидов ЎзА мухбири Нуриддин Раҳимов билан суҳбатда. – Бугун уларнинг чақноқ кўзларига боқсангиз, шукроналик, дахлдорлик туйғуси акс этганини кўрасиз. Қишлоқ кўчалари бўйлаб сайр қилар экансиз, атрофдаги ораста-лигу гўзалликдан, равон йўл ва йўлаклар, муҳташам ва кўркам бинолар яшашга иштиёқингизни оширади. Шундай обод манзиллар барпо этиб, одамларни ҳаётдан рози қилиш йўлида елиб-югураётган барча инсонлардан миннатдормиз.

Қишлоқда бандликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, 200 та иссиқхона ташкил этиш ва 150 та тикув машинаси харид қилишда ташаббускор аҳолига амалий ва моддий ёрдам кўрсатилди. «Yoshlar mehnat guzari» мажмуасида 20 нафар йигит-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди. Улар бу ерда савдо, тикувчилик, сартарошлик, нонвойлик билан банд.

Мустақиллик байрами муносабати билан ҳар икки қишлоқда ўтказилган тантаналарда концерт дастури намойиш этилди, қурилиш ва таъмирлаш ишларида фаол қатнашган ишчи-мутахассисларнинг бир гуруҳига эсдалик совғалари топширилди.

Тантаналарда Навоий вилояти ҳокими Қ. Турсунов сўзга чиқди.

## «Baby Plaza» – хусусий мактаб

Наманган шаҳрида «Baby Plaza» хусусий умумий ўрта таълим мактаби иш бошлади.




Таълим муассасасининг очилишига бағишланган тадбирда шаҳар ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, халқ таълими муассасалари масъул ходимлари, ота-оналар, фахрийлар ва ўқувчилар иштирок этди.

Мамлакатимиз тараққиёти, келажагини белгиловчи омиллардан бири сифатида ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, таълим тизимини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

– Ҳар қандай давлат ва жамият равнақи халқнинг интеллектуал салоҳияти билан боғлиқ эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда, – дейди Наманган шаҳар ҳокими Шавкат Абдураззоқов ЎзА мухбири Акромжон Сатторов билан суҳбатда. – Биз буюк аждодларимиздан мерос интеллектуал салоҳиятга эга авлодлармиз. Фарзандларимизда ана шу истеъдодни тўғри тарбиялаб, рўёбга чиқаришда халқ таълими тизими ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шу нуқтаи назардан, бугун Президентимиз томонидан соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг ижтимоий мавқеини янада ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар таълим сифати ва самарадорлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Жумладан, соҳада хусусий секторга кенг ўрин берилаётгани ҳам таълим тизимини жаҳон андозалари даражасида ривожлантириш йўлидаги истиқболли ислоҳотлар самарасидир.

Бу борада яратилган кенг имкониятлар «Жавоҳир Мадинабону Дилшодбек» МЧЖ таъсисчилигида ташкил этилган «Baby Plaza» хусусий умумий ўрта таълим мактабида ҳам ўз ифодасини топди.

Шаҳарнинг марказий кўчаларидан бири – Бобур шоҳкўчасида қад ростлаган уч қаватли кўркам мактаб биносини қуриш ва жиҳозлаш учун муассис томонидан 200 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя йўналтирилди. 100 нафар ўқувчига мўлжалланган мактабда 1, 2 ва 3-синф ўқувчиларига давлат таълим стандартлари ҳамда энг замонавий инновацион педагогик технологиялар асосида билим бериш учун барча шароит яратилди. Ҳар бир синф хонаси 14 ўқувчига мўлжалланган якка тартибдаги стол-стуллар, электрон доска ва бошқа ўқув-кўргазмали воситалар билан таъминланган. Кутубхона ўқитувчи ва ўқувчилар билимини янада бойитишга хизмат қиладиган китоблар, мўъжаз ўқув залига эга. Ўқувчиларнинг саломатлиги шифокорлар назоратида. Бу ерда ташкил этилган тиббиёт хонаси биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур воситалар билан жиҳозланган. Санитария-гигиена хоналарига ҳам кичкинтойларга мос замонавий сантехника тизими ўрнатилиб, совуқ ва иссиқ сувнинг узлуксизлиги таъминланган. Ўқувчиларга икки маҳал дармондориларга бой маҳсулотлардан тайёрланган иссиқ овқат берилади.

Бундан ташқари, мактаб ҳовлисидаги мўъжаз спорт майдони, бино ичидаги спорт залида ўғил-қизлар бадиий гимнастика, эркин кураш, шахмат-шашка, волейбол, баскетбол билан шуғулланиши, рақс, рассомчилик санъати бўйича қобилиятини ўстириши мумкин. Ҳовлида ташкил қилинган йўл ҳаракати хавфсизлиги майдончасида светофор, йўл белгилари макетлари ёрдамида кичкинтойлар йўл қоидаларини амалий равишда ўрганади.

– Таълим рус тилида олиб борилади, – дейди мактаб директори М. Хўжаева. – Биринчи ўқув йилида мактабга 75 нафар ўқувчи қабул қилинди, уларга қатъий танлов асосида ишга қабул қилинган 7 нафар олий тоифали педагог машғулот ўтади.

Тадбир меҳмонларини жажжи болажонлар ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги шеър ва қўшиқлар, қувноқ рақслардан тузилган концерт дастури билан хушнуд этди.

– Ушбу мактаб вилоятдаги хусусий умумий ўрта таълим муассасаларининг олтинчиси, – дейди вилоят халқ таълими бошқармаси ахборот хизмати раҳбари М. Эсонбоев. – Мавжуд хусусий мактабларда айни кунда 1100 нафардан зиёд ўқувчи таълим олмоқда. Янги ўқув йилидан улар сафига яна 490 нафар 1-синф ўқувчиси қўшилади. Шунингдек, жорий йилнинг ўзида ҳар бир туманда биттадан хусусий мактаб ташкил қилиш бўйича ишлар давом этмоқда.

Маълумки, яқинда Индонезиянинг Жакарта ва Палембанг шаҳарларида бўлиб ўтган XVIII ёзги Осиё ўйинларида муваффақиятли қатнашган спортчиларимиз мазкур ғалабаларини мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллигига бағишлаганларини эътироф этдилар.

## Чемпионга уй совға қилинди

Мазкур мусобақа шоҳсупасига кўтарилган юртдошларимиздан бири – ўзбек миллий спорт тури – кураш бўйича ўтказилган баҳсларда барча рақибларини енгган ҳолда олтин медалга сазовор бўлган Маъруф Ғайбуллоев 3 сентябрь куни Бухоро вилояти, Қоракўл тумани, Қуйи Янгибозор қишлоғида қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилган 17-умумтаълим мактабида ўтказилган байрам тантаналарида фахрли меҳмон сифатида иштирок этди.

Ушбу мактабда таҳсил олган Осиё ўйинлари олтин медаль совриндори М. Ғайбуллоевга вилоят ҳокимлиги томонидан юрт шарафини муносиб ҳимоя қилгани учун туман ҳудудида намунавий лойиҳа асосида қурилган икки сотих ер майдонига эга 3 хонали уйлардан бирининг калити ҳамда уйга эгалик қилиш тўғрисидаги сертификат топширилди.

Вилоят ҳокимлиги матбуот хизматининг хабар беришича, М. Ғайбуллоев мамлакатимизда спортчиларга яратиб берилаётган қулай шароитлар учун Президентимизга ҳамда спорт соҳаси вакилларига ўз миннатдорлигини билдириб ўтди.

Тантанали тадбирда мактаб рамзий лентаси ушбу билим даргоҳининг собиқ ўқувчиси, Осиё ўйинлари чемпиони томонидан қирқилди. Шундан сўнг, Маъруф биринчи синф ўқувчиларини янги ўқув йили билан муборакбод этиб, уларга аъло баҳоларга ўқиб, ўзлари хоҳлаган касб эгаси бўлиб етишишларини тилади.

**Ўз мухбиримиз.**

Марғилон шаҳрида Эркин Воҳидов номидаги ўзбек тили ва адабиётини чуқур ўқитишга ҳамда хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда таниқли ижодкорлар, кенг жамоатчилик вакиллари, ота-оналар, ёшлар иштирок этди.

## Эркин Воҳидов номидаги мактаб-интернат иш бошлади

Ўзбекистон халқ шоири Энахон Сиддиқова ва бошқалар мамлакатимизда таниқли ижодкорларнинг номларини абадийлаштириш, зиёлилар, умуман, маданият ва санъат аҳлини, айниқса, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар миллий маданиятимиз ва санъатимизни янада ривожлантириш, жаҳон миқёсида кенг тарғиб этишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Атоқли адиб, таниқли давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов замонавий ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига катта ҳисса қўшган. Гўзал шеър ва достонларида инсон қалбининг нозик туйғуларини, халқимизга хос орият ва ғурурни, озодлик ва истиқлолни юксак маҳорат билан қоғозга туширган Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг китоблари кириб бормаган хонадон бўлмаса керак. Зеро, шоир ўзликни англаш, миллий ғурур-ифтихор туйғуларини юксак пардаларда тараннум этади, ҳар биримизни тинчлик-осойишталикни қадрлашга, чин инсоний фазилатлар соҳиби бўлишга ундайди.

Президентимизнинг ташаббуси билан Марғилон шаҳрида ижодкорлар боғи ташкил этилиб, Эркин Воҳидовнинг ҳайкали ўрнатилди, мемориал музей барпо қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 майдаги қарори билан Марғилон шаҳрида Эркин Воҳидов номидаги ўзбек тили ва адабиёти фанини чуқур ўқитишга ҳамда хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат ташкил этилди.

Мазкур мактабда ўқувчилар учун барча шароит яратилган. Муассасанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида уни ётоқхона, ошхона, кутубхона, фаоллар зали ва ўқув-лаборатория жиҳозлари ҳамда компьютер техникаси, ўқув-методик мажмуалар, ўқитувчилар учун методик қўлланма ва бадиий адабиётлар билан таъминлаш чоралари кўрилди.

– Мактаб-интернатни ташкил этишдан мақсад Эркин Воҳидов номини абадийлаштириш, шоир издошларини кашф этиш ва уларнинг ўз истеъдодини кенг намоён этиши учун шароит



Эркин Воҳидов «Тонг нафаси», «Қўшиғим сизга», «Ақл ва юрак», «Менинг юлдузим», «Ёшлик девони», «Тирик сайёралар», «Шарқий қирғоқ», «Келажакка мактуб» каби шеърий тўпламлари, «Нидо», «Қуёш маскани», «Руҳлар исёни», «Кўҳинур» каби достонлари, «Олтин девор», «Истанбул фожиаси» сингари саҳна асарлари, «Сўз латофати» бадиий рисоласи, шунингдек, жаҳон адабиёти дурдоналаридан қилган таржималари билан ўзига хос ижодий мактаб яратган улкан шоирдир.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори асосида ўзбек адабиёти ривожига катта ҳисса қўшган адиб ижодий меросини ўрганиш ва уни кенг тарғиб қилиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

яратишдир, – дейди мактаб-интернат директори Нигора Маннопова. – 2018/2019 ўқув йилида 5-8-синфларга 150 нафар истеъдодли ўқувчи қабул қилинди. Албатта, бу маскан Эркин Воҳидов каби буюк ижодкорларни вояга етказишга хизмат қилади.

Мактаб-интернат ўқувчилари томонидан таниқли шоирнинг рус, инглиз ва бошқа тилларга таржима қилинган шеърлари ёддан ўқилди. Бу ердаги илк сабоқ «Азиз ва ягонамсан, жонажон Ўзбекистоним!» шиори остида ўтказилиб, истиқлолимизнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди.

Мактаб-интернатнинг очилишида Фарғона вилояти ҳокими Ш. Ғаниев сўзга чиқди.

**Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Сообщение Центрального банка Республики Узбекистан

**Центральный банк Республики Узбекистан установил с 6 сентября 2018 года следующие курсы иностранных валют к суму для ведения бухгалтерского учета, статистической и иной отчетности по валютным операциям, а также исчисления таможенных и других обязательных платежей *)**

1 доллар США – 7842,93
1 ЕВРО – 9097,01
1 российский рубль – 116,17
1 фунт стерлингов – 10165,22
1 южнокорейская вона – 7,03
1 японская йена – 70,64
1 малайзийский ринггит – 1909,18
1 китайский юань – 1148,31
1 швейцарский франк – 8097,18
1 дирхам ОАЭ – 2135,41
1 египетский фунт – 441,11
1 австралийский доллар – 5639,07
1 турецкая лира – 1203,27
1 сингапурский доллар – 5716,84
1 СДР – 10991,00
1 канадский доллар – 6015,90
1 украинская гривна – 277,82
1 польский злотый – 2114,85
1 кувейтский динар – 25928,76

***) Курсы установлены без обязательств Центрального банка Республики Узбекистан покупать или продавать валюты по данному курсу.**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**Муассис:** «ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» Нашриёт уйи МЧЖ

**Бош директор – Дилшод Жалолов**

**Таҳрир ҳайъати:**
Ботир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Шухратходжа Хашимов, Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Бўрибой Бекмурзаев, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков, Обиджон Носиров.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Абдумуталлиб Ўктамов**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Дилфуза Хабибова**

**Таҳририят ҳамкорлари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзқурилишматериаллари» АЖ, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, қурилиш-лойиҳалаш институтлари

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** (қабулхона) 244-21-71, (котибият) 244-05-15 (факс), 244-15-13, (бухгалтерия) 244-22-10, (реклама ва обуна бўлими) 244-21-71, 244-40-68 (факс).
**E-mail:** uzbunyodkor@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича:** (90) 278-95-87.
**Қашқадарё вилояти бўйича:** (90) 720-33-03.
**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича:** (93) 466-74-84.
**Самарқанд вилояти бўйича:** (95) 560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-907.
2267 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Д. Жалолов
**Навбатчи** – Ш. Хўжаев

ЎзА якуни – 01.55.Топширилди – 02.30.

1 2 4 5 6